

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**О.А.Хасанов**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари  
модулидан**

“Дирижёрлик”, “Вокал санъати”, “Чолғу ижрочилиги”, “Халқ ижодиёти”,  
“Бастакорлик” ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича  
умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2015**

**Тузувчи:**

**А.Мансуров** – Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

**Такризчи:**

**О.Абдуллаева** - доцент

**Эксперт:**

**Р.Абдуллаев** – профессор

## **1.ИШЧИ ДАСТУРНИНГ НАМУНАВИЙ ДАСТУРГА МОСЛИГИ**

Мазкур Ўқув-услубий мажмуа (ЎУМ) Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқ марказининг тингловчилари учун ўқув режасига киритилган - “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” деб номланган 10 соатга мўлжалланган Модул (курс)ни чуқур ўзлаштириш мақсадида тузилган. Санъат соҳасида кадрлар тайёрлайдиган Ўзбекистон олий таълим муассасаларида “Дирижёрлик”, “Вокал санъати”, “Чолғу ижрочилиги”, “Халқ ижодиёти”, “Бастакорлик” ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумқасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилари, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш Тармоқ марказларида маъруза ва амалий фанларни олиб борадиган мутахассислар ҳам ундан фойдаланишлари мумкин.

Мажмуада берилаётган модулнинг Ишчи ўқув дастури тасдиқланган Намунавий дастурга тўлиқ мос келади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**О.А.Хасанов**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2015 йил**

**Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари  
модули**

“Дирижёрлик”, “Вокал санъати”, “Чолғу ижрочилиги”, “Халқ ижодиёти”,  
“Бастакорлик” ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича  
умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Тошкент – 2015**

Ишчи ўқув дастури ЎзДСМИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. ( \_\_\_\_\_ 2015 йил, № \_\_ сонли баённомаси) .

**Тузувчи: А.Мансуров – Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори**

**Такризчи: О.Абдуллаева - доцент**

**Ў.Тошматов – профессор**

## Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

Ушбу ишчи ўқув дастурининг асосий мақсади - маълум бир чолғуда профессионал ижрочи, бастакор, дирижёр ёки хонанда олий таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган, малака ошириш учун келган тингловчиларга чолғулаштириш санъати, унинг ривожланиш тенденциялари ҳақида зарурий билимларни ўргатишдан иборат. Тингловчилар маърузаларни, мусикий мисолларни тинглаб, чолғуларнинг тембри, тузилиши, созланиши, диапазони, бадий ва техник имкониятлари, ранг-баранг ижро услублари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари зарур.

Ўқув дастурининг вазифалари – тингловчи мутахассислигидан келиб чиқиб фақат асосий билишилиши лозим бўлган оркестр ва унинг чолғулари билан чегараланмай, балки турли оркестрлар, бутун дунёга кенг тарқалган бошқа чолғулар ҳақида ҳам керакли билимларни олишлари зарур. Бу давр тақозоси, умумбашарий таълим талабларига жавоб беради. Бир-бирига таққослаб ўрганиш тингловчилар дунёқарашини, билим чегарасини кенгайтириб боришига кўмак беради. Миллий чолғулар қадрияти билан бирга жаҳон мусиқа санъатидан ҳам хабардор бўлишади, умумий савиялари баланд бўлади. Машғулотларда оркестрлар тузилганидан кейин композиторлар томонидан ёзилган асарларда ижрочилик имкониятларининг кенгайтириб бориши, жанрлар хилма-хиллиги ҳақида, катта тўлиқ оркестрлар ва бир турдаги чолғулардан ташкил қилиниши мумкин бўлган кичик жамоалар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқ марказининг тингловчилари учун яратилган “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” деб номланган 10 соатга мўлжалланган курс - жаҳон ва Ўзбекистон мусиқа маданияти риводланиш поғоналарини ўрганиш, турли оркестрлар таркиби учун чолғулаштирилган партитура намуналари таҳлили асосида тузилган.

## Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъруза	Амалий	Кўчма машғулот	Тажриба алмашиш	Мустақил
1.	Чолғулаштириш фанининг назарий ва амалий фаолиятдаги ўрни, турли ансамбль ва оркестрлар таркиби учун чолғулаштириш санъатида янги тенденцияларнинг шаклланиб бориши (маъруза);	1	1			

	Камер ва Симфоник оркестр учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).					
2.	Композиторлик ижодиётида, чолғулаштириш санъатида новаторлик тенденциялари (маъруза); Халқ чолғулари оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).	1	1			
3.	Симфоник оркестр ва унинг партитураси, чолғулаштиришнинг ўзига хос услублари (маъруза); Эстрада оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).	1	1			
4.	Халқ чолғулари оркестри ва унинг партитураси, чолғулаштиришнинг ўзига хос услублари (маъруза); Дамли оркестр учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).	1	1			
5.	Камер оркестр учун чолғулаштириш машқ-топшириғини мустақил бажариш					2
<b>ЖАМИ: 10 соат</b>		<b>4</b>	<b>4</b>			<b>2</b>

**1-мавзу: Чолғулаштириш фанининг назарий ва амалий фаолиятдаги ўрни, турли ансамбль ва оркестрлар таркиби учун чолғулаштириш санъатида янги тенденцияларнинг шаклланиб бориши (2 соат)**

**Режа:**

1. Инсоният маданиятида мусиқий ижрочилик ва чолғуларнинг пайдо бўлиши тарихидан.
2. Шарқ ва Ғарб мусиқа маданиятида чолғулаштириш санъатининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.
3. Симфоник оркестр учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).

**Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзуни ўтишида муаммоли таълим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулларидан фойдаланилади.*

## **2-мавзу. Композиторлик ижодиётида, чолғулаштириш санъатида новаторлик тенденциялари (2 соат)**

### **Режа:**

1. Жаҳон композиторлари - Р.Вагнер, М.Равель, П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, С.Рахманинов, Дж.Гершвин, Р.Штраус ижоди.

2. Ўзбекистон композиторлари –Т.Курбонов, М.Тожиев, М.Бафоев, Ф.Алимов ва бошқалар ижодида чолғулаштириш санъатининг ривожланиши.

3. Халқ чолғулари оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий)..

### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзуни ўтишида муаммоли таълим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

## **3-мавзу. Симфоник оркестр ва унинг партитураси, чолғулаштиришнинг ўзига хос услублари (2 соат)**

### **Режа:**

1. Симфоник оркестрни ташкил этувчи чолғулар гуруҳлари.

2. Симфоник оркестр учун чолғулаштиришни ўргатувчи ўқув адабиётлари.

3. Эстрада оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).

### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзуни ўтишида муаммоли таълим технологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

## **4-мавзу. Халқ чолғулари оркестри ва унинг партитураси, чолғулаштиришнинг ўзига хос услублари (2 соат)**

### **Режа:**

1. Халқ чолғулари оркестрини ташкил этувчи чолғулар гуруҳлари.

2. Халқ чолғулари оркестри учун чолғулаштиришни ўргатувчи ўқув адабиётлари.



3. Эстрада оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).

### **Педогогик технологияларнинг қўлланилиши**

*Ушбу мавзуни ўтишида муаммолитаълим тенологиялари, “ақлий хужум” ва кластер усулидан фойдаланилади.*

### **Мустақил иш**

Аудиторияда олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўтилган мавзу бўйича мустақил тайёргарлик ишларини бажариш. Ушбу мақсадларда ахборот-таълим ресурсларидан, тармоқ марказида мавжуд адабиёт ва ноталардан, фонотека ва видеотека жамғармасидан ва концерт залларидан унумли фойдаланиб, берилган машқ-топшириқни бажариш. Мазкур фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб касбий маҳоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни мақсадли амалга ошириш.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

#### Симфоник оркестр бўйича:

##### **Асосий**

1. Янов-Яновский Ф. Нотная графика, тембр и фактура в современной инструментровке. Т., 2008.
2. Янов-Яновский Ф. Задачи по инструментровке. Т., изд. имени Г.Гуляма, 1988; 2015 (электронная версия 2-издания).

##### **Қўшимча адабиётлар**

1. Супонева Г. Проблемы нотации в музыке XX века. М., 1985.

#### Ўзбек халқ чолғулари оркестри бўйича:

##### **Асосий**

1. Мансуров А. Чолғулаштириш бўйича амалий намуналар ва машқлар. Т., 2006; Т., 2008.

##### **Қўшимча адабиётлар**

1. Абдуллаева О. Ансамбль чолғуларини ўрганиш. Т., 2006.
2. Гиенко Б. Инструментовка (для оркестра узбекских народных инструментов). Т., 1970.

#### Духовой оркестр бўйича:

##### **Асосий**

1. Свечков Д. Духовой оркестр. М., МузГиз, 1977.

### **Қўшимча адабиётлар**

2. Анисимов Б. Практическое пособие по инструментовке для духового оркестра. Л., «Музыка Ленинград». 1979.

3. Рахимов Х. Хрестоматия по чтению духовых партитур. Т., Изд-во Г.Гуляма, 1988.

### **Эстрада оркестри бўйича:**

#### **Асосий**

1. Киянов Б., Воскресенский С. Руководство по инструментовке для эстрадных оркестров и ансамблей. М., 1981.

2. Браславский Д. Инструментовка для эстрадного оркестра. М., 1979.

#### **Қўшимча адабиётлар**

3. Володин А. Электромзыкальные инструменты. М., 1992.

4. Дмитриев Г. Ударные инструменты: трактовка и современное состояние. М., 1991.

### **Интернет маълумотлар:**

1. <http://www.assc.uz/Axborotresursmarkazi>

2. <http://www.conservatoy.uz>

3. <http://www.gov.uz>

4. <http://www.lex.uz>

5. <http://www.ziyonet.uz>

6. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

7. [www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz)

8. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

9. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)

## 2.МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-мавзу: Чолғулаштириш фанининг назарий ва амалий фаолиятдаги ўрни, турли ансамбль ва оркестрлар таркиби учун чолғулаштириш санъатида янги тенденцияларнинг шаклланиб бориши

#### Режа:

1.Инсоният маданиятида мусиқий ижрочилик ва чолғуларнинг пайдо бўлиши тарихидан.

2.Шарқ ва Ғарб мусиқа маданиятида чолғулаштириш санъатининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.

3.Симфоник оркестр учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини ЎУМга илова қилинган аудио ёзувли дискдан тинглаш (амалий).

**Калит сўзлар:** чолғулаштириш, чолғулаштириш санъати, мусиқий ижрочилик, чолғуларнинг пайдо бўлиши, симфоник оркестр, ансамбль, оркестрлар, янги тенденциялар

**Инсоният маданиятида мусиқий ижрочилик ва чолғуларнинг пайдо бўлиши тарихидан.** Маълум бир чолғуда профессионал ижрочи, бастакор, дирижёр ёки хонанда олий таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган, малака ошириш учун келган тингловчиларга чолғулаштириш санъати, унинг ривожланиш тенденциялари ҳақида зарурий билимларни ўргатишдан иборатдир. Тингловчилар маърузаларни, мусиқий мисолларни тинглаб, чолғуларнинг тембри, тузилиши, созланиши, диапазони, бадий ва техник имкониятлари, ранг-баранг ижро услублари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари зарур.

Ўқув дастурининг вазифалари – тингловчи мутахассислигидан келиб чиқиб фақат асосий билишилиши лозим бўлган оркестр ва унинг чолғулари билан чегараланмай, балки турли оркестрлар, бутун дунёга кенг тарқалган бошқа чолғулар ҳақида ҳам керакли билимларни олишлари зарур. Бу давр тақозоси, умумбашарий таълим талабларига жавоб беради. Бир-бирига таққослаб ўрганиш тингловчилар дунёқарашини, билим чегарасини кенгайтириб боришига кўмак беради. Миллий чолғулар қадрияти билан бирга жаҳон мусиқа санъатидан ҳам хабардор бўлишади, умумий савиялари баланд бўлади. Машғулотларда оркестрлар тузилганидан кейин композиторлар томонидан ёзилган асарларда ижрочилик имкониятларининг кенгайтириб бориши, жанрлар хилма-хиллиги ҳақида, катта тўлиқ оркестрлар ва бир турдаги чолғулардан ташкил қилиниши мумкин бўлган кичик жамоалар ҳақида ҳам сўз юритилади.

“Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” деб номланган модул - жаҳон ва Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожланиш

поғоналарини ўрганиш, турли оркестрлар таркиби учун чолғулаштирилган партитура намуналари таҳлили асосида тузилган.

**Шарқ ва Ғарб музыка маданиятида чолғулаштириш санъатининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.** Ибтидои жамоа тузуми даврларида дастлаб тошдан, ҳайвонлар терисини тортиш натижасида пайдо бўлган зарбли чолғулардан товуш таралиши муסיқий товушлар тушунчаси пайдо бўлишига туртки бўлган. 1 ижрочидан 2 ижрочи, 2 ва ундан кўп ижрочилар мутаносиблашган товушлар чиқариши ҳозирги кунда илмий асосланган фан – чолғулаштиришнинг пайдо бўлишига пойдевор бўлган, джеб ишонч билан таъкидлаш мумкин.

**Симфоник оркестр учун яратилган энг сара муסיқа намуналарини ЎУМга илова қилинган аудио ёзувли дискдан тинглаш (амалий).**

**Саволлар:**

“Чолғулаштириш” деганда нимани тушунасиш?;

“Чолғулаштириш” билан Оркестрлаштириш”нинг фарқи нимада?;

Қайси таълим фанлари билан боғлиқ?;

Техник ишми ёки ижодий (санъат)?;

Кимга қайси композиторнинг айнан оркестр учун яратган қандай асари ёқади, қайта-қайта тингласа ҳам ҳузур ва таскин олаверади?

Ҳар қандай созанда чолғулаштиришдан хабардор бўлиши керакми ёки йўқ?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Зряковский Н. Общий курс инструментоведения. М., 1978.

2.Чулаки М. Инструменты симфонического оркестра. М., 1982.

**2-мавзу. Композиторлик ижодиётида, чолғулаштириш санъатида новаторлик тенденциялари**

**Режа:**

1.Жаҳон композиторлари - Р.Вагнер, М.Равель, П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, С.Рахманинов, Дж.Гершвин, Р.Штраус ижоди.

2.Ўзбекистон композиторлари –Т.Қурбонов, М.Тожиев, М.Бафоев, Ф.Алимов ва бошқалар ижодида чолғулаштириш санъатининг ривожланиши.

3.Халқ чолғулари оркестри учун яратилган энг сара муסיқа намуналарини тинглаш (амалий).

**Калит сўзлар:** новатор, новаторлик, новаторлик тенденциялари, жаҳон композиторлари, Ўзбекистон композиторлари

**Жаҳон композиторлари - Р.Вагнер, М.Равель, П.Чайковский, Н.Римский-Корсаков, С.Рахманинов, Дж.Гершвин, Р.Штраус ижоди.**

(Композиторлар ҳақидаги монографиялар ва бошқа ўқув адабиётларидан фойдаланилади)

**Ўзбекистон композиторлари –Т.Қурбонов, М.Тожиев, М.Бафоев, Ф.Алимов ва бошқалар ижодида чолғулаштириш санъатининг ривожланиши.**

(Композиторлар ҳақидаги монографиялар ва бошқа ўқув адабиётларидан фойдаланилади)

**Халқ чолғулари оркестри учун яратилган энг сара муסיқа намуналарини иловадаги аудио ёзувли диск орқали тинглаш (амалий).**

#### **Саволлар:**

Р.Вагнернинг қандай асарларини биласиз, новаторлиги нимада?;

М.Равелнинг “Болеро” асарига таъриф беринг?;

П.Чайковскийнинг даҳолиги нимада?;

Н.Римский-Корсаков ижодида “шарқ” мавзулариини гапириб беринг.;

С.Рахманинов, ДжГершвин, Р.Штрауслар ҳақида қисқа маълумотлар беринг.

Т.Қурбонов, М.Тожиев, М.Бафоев, Ф.Алимов ва бошқалар Ўзбекистон композиторлари ижодида чолғулаштириш санъатининг ривожланиш тенденциялари қандай кечмоқда?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Зряковский Н. Общий курс инструментоведения. М., 1978.

2.Чулаки М. Инструменты симфонического оркестра. М., 1982.

3.Мансуров А. Чолғулаштириш бўйича амалий намуналар ва машқлар. Т., 2006; Т., 2008.

4.Абдуллаева О. Ансамбль чолғуларини ўрганиш. Т., 2006.

5.Петросянец А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты, 3-е издание. Т., 1990.

6.Гиенко Б. Инструментовка (для оркестра узбекских народных инструментов). Т., 1970.

### 3-мавзу. Симфоник оркестр ва унинг партитураси, чолғулаштиришнинг ўзига хос услублари

#### Режа:

1. Симфоник оркестрнинг ташкил этувчи чолғулар гуруҳлари.
2. Симфоник оркестр учун чолғулаштиришни ўргатувчи ўқув адабиётлари.
3. Эстрада оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).

**Симфоник оркестрнинг ташкил этувчи чолғулар гуруҳлари.** Қадимий Юнон давлатида хор жамоаси учун мўлжалланган таътр сахнасини *оркестр* деб аташган. Кейинчалик ушбу сўзнинг маъноси кенгайди ва ўзгарди.

Ҳозирги даврда мусиқий чолғуларнинг муайян таркиби оркестр деб номланади. Бу тушунчани санъаткорлар жамоасига қаратиб ҳам ишлатиш мумкин. Кенг тарқалган оркестр турлари: опера-симфоник оркестри ва халқ чолғулари оркестри. Симфоник оркестр турлари қуйидагича:

1. торли оркестр;
2. кичик симфоник оркестр;
3. катта симфоник оркестр.

Симфоник оркестрнинг ташкиллашуви қардош чолғуларнинг гуруҳларга бирлашувидан вужудга келади. Шунга кўра, симфоник оркестрга қуйидаги чолғу гуруҳлари киради:

- А) торли чолғулар гуруҳи;
  - Б) ёғоч дамли чолғулар гуруҳи;
  - В) мис дамли чолғулар гуруҳи;
  - Г) зарбли чолғулар гуруҳи.
- Д) тирнама ва клавишли чолғулар.

**Торли чолғулар** гуруҳига скрипкалар, альтлар, виолнчеллар ва контрабаслар киради.

**Ёғоч дамли чолғулар** гуруҳига флейталар, гобойлар, кларнетлар, фаготлар киради.

**Мис дамли чолғулар** гуруҳига валторналар, трубаалар, тромбонлар ва тубалар киради.

**Зарбли чолғулар** гуруҳига товуш баландлиги аниқ бўлган чолғулар (литавра, ксилофон, кўнғироқчалар, кўнғироқ, челеста) ва товуш баландлиги ноаниқ бўлган чолғулар (учбурчак, кастанъетталар, бубен, кичик барабан, катта барабан, там-там, тарелкалар) киради.

**Торли ва тирнама чолғулар** гуруҳига арфа, челеста, фортепиано ва орган киради.

Оркестр, хор, вокал ёки чолғу ансамбллар учун яратилган мусиқий асарнинг тўлиқ ва батафсил акс этган нота ёзуви *партитура* деб аталади.

Партитурада қуйидагича тартиб мавжуд:

1. Ҳар партия алоҳида қаторда акс этади;
2. Нота қаторлари муайян тартибда бирин-кетин жойлашади;
3. Нота қаторлари аввалига умумий акколада, сўнгра гуруҳли акколада билан бирлаштирилади;
4. Такт чизиқлари вертикал равишда жойлашган бўлиб, ҳар бир гуруҳ учун умумий ҳтсобланади;
5. Дамли чолғуларнинг партиялари нота қаторларида жуфт-жуфт бўлиб жойлашади;
6. Нота қаторида иккита чолғу партияси жойлашган ҳолда, юқори овознинг таёқчаларини юқорига, қуйи овознинг таёқчаларини пастга қаратиш керак;
7. Унисон ҳолати юз берган ҳолда, а<sub>2</sub>, а<sub>3</sub>, а<sub>4</sub> сингари белгилардан фойдаланилади;
8. Рим ёки араб ҳарфи чолғунинг тартиб рақамини билдиради: I Об., III Сог. ва ҳ.к.

**Торли чолғулар.** Торли-камонли чолғулар симфоник оркестрнинг асосидир. Унинг асосий хусусиятлари: умумий окрестр овоз ҳажмининг улукнлиги, чолғучиларнинг сонининг кўплиги, Divisi, яъни овозларнинг бўлиниш имконияти мавжудлиги.

**Скрипка** торли чолғулар орасида техник имкониятларининг кўплиги билан ажралиб туради. Тесситура жиҳатидан энг юқорида жойлашади.

Очиқ симлари: кичик октавада “сопь”, 1-октавада “ре, ля”, 2-октавада “ми”. Улар квинта интервали бўйлаб соланади.

Скрипканинг овоз ҳажми кичик октава “сопь” товушидан 4-октавадаги “сопь” товушигача.

**Альт** чолғуси оркестр диапазонининг ўрта қисмини эгаллайди. Унинг очик симлари: кичик октава “до, сопь”, 1-октава “ре, ля”. Улар квинта интервали бўйлаб соланади. Альтнинг овоз ҳажми кичик октава “до” товушидан 3-октавадаги “до” товушигача.

**Виолончель** чолғуси оркестр диапазонининг қуйи ва ўрта қисмларини эгаллайди. Унинг очик симлари катта октава “до, сопь”, кичик октава “ре, ля”. Улар квинта интервали бўйлаб соланади. Виолончелнинг овоз ҳажми катта октава “до” товушидан 2-октава “ля” товушигача.

**Контрабас** чолғуси оркестр диапазонининг энг қуйи қатламини ифодалайди. Унинг очик симлари кварта интервали бўйлаб соланади: “ми, ля, ре, сопь”. Контрабас транспозицияланувчи чолғу бўлиб, нотада ёзилишига кўра, бир октава пастда янграйди.

**Ёғоч дамли чолғулар.** Ёғоч дамли чолғулар 4 та оиладан иборат:

- А) Флейталар оиласи (катта флейта, флейта пикколо, альт флейта);
- Б) Гобойлар оиласи (гобой ва инглиз сурнайи);
- В) Кларнетлар оиласи (кларнет in B, кларнет in A, кичик кларнет in E<sub>3</sub>, кичик кларнет in D, бас-кларнет);
- Г) Фаготлар оиласи (фпгот ва контрафагот).

Ушбу чолғулар оркестрда иккитадан қатнашган ҳолда, жуфтлик таркиб, учтадан қатнашган ҳолда учлик таркиб, тўрттадан қатнашган ҳолда, тўртлик таркиб дейилади.

Ёғоч дамли чолғуларнинг овоз ҳажми бутун оркестр ҳажмини эгаллайди.

**Флейта** чолғусининг овоз ҳажми 1-октава “до” товушидан 5-октава “до” товушигача. Унинг овоз ҳажми уч қисмга бўлинади. Қуйи қисми юмшоқ ва баҳмалсимон характерда *pp*, *pp* *mp*, *mf* динамикасида янграйди. Ўрта қисми ёрқин бўлиб, *mf*, *f* динамикасида янграйди. Юқори қисми ёрқин хуштаксимон бўлиб, *f*, *ff*, *fff* динамикасида янграйди.

Флейтанинг ижро имкониятлари жуда кенг. У сокин куй йўлларида тортиб, то техник мураккаб бўлган мусиқий матоларни ижро эта олади. Легато, стаккато, трель, фруллато сингари усуллар шулар жумласиданлир.

Оркестрда 2 та қатнашади.

**Кичик флейта** транспозицияланувчи чолғу бўлиб, ёзилишига нисбатан бир октава юқорида янграйди. Ёрқин хуштаксимон янграш характерига эга.

Кичик флейтанинг ижро имкониятлари флейтага хос.

Оркестрда 1 та қатнашади.

**Альт флейта** катта флейтадан бир оз каттароқ бўлиб, ундан деярли фарк қилмайди. Унинг овоз ҳажми кичик октавадаги “си” товушидан 3-октавадаги “ля” товушигача.

Альт флейтанинг ижро имкониятлари флейтага хос.

Оркестрда 1 та қатнашади.

**Гобой** чолғусининг овоз ҳажми кичик октавадаги “си” товушидан 3-октавадаги “ля” товушигача. Ёрқин шарқона колоритга эга.

Гобойнинг ижро имкониятлари катта.

Оркестрда 2 та қатнашади.

**Инглиз сурнайи in F** чолғусининг овоз ҳажми ва ижро имкониятлари гобойга хос. Инглиз сурнайи транспозицияланувчи чолғу ҳисобланиб, ёзилишига нисбатан соф квинта интервалига пастда янграйди.

Оркестрда 1 та қатнашади.

**Кларнет in B** ва **in A** овоз ҳажми кичик октава “ми” дан 3-октава “ля” гача. Бу чолғулар транспозицияланувчидир. Кларнет in B ёзилишига нисбатан катта секунда интервалига пастда янграйди. Кларнет in A ёзилишига кўра кичик терция интервалига пастда янграйди.

Ушбу чолғу ёрқин тембрга эга бўлиб, унинг ижро имкониятлари катта.

Оркестрда 2 та қатнашади.

**Кичик кларнет in Es**, **кичик кларнет in D**. Ушбу чолғулар транспозицияланувчидир. Кичик кларнет in Es ёзилишига кўра, кичик терция юқорида янграйди. Кичик кларнет in D ёзилишига кўра катта секунда юқорида янграйди. Уларнинг овоз ҳажми кичик октава “ми” дан 3-октава “ля” гача.

Оркестрда 1 та қатнашади.

**Бас кларнет in B** ҳам транспозицияланувчи чолғу. У ёзилишига кўра, катта нона интервалига пастда янграйди. Овоз ҳажми кичик октава “до” дан 2-



октава “ре” гача. Бас кларнет бас калитида ёзилади. Шунинг учун унга аксарият ҳолларда бас вазифаси топширилади.

Оркестрда 1 та қатнашади.

**Фагот** чолғусининг овоз ҳажми контроктавадаги “си” дан 2-октава “ре” гача. Техник жихатдан ҳаракатчан бўлиб, мураккаб матоларни чала олади. Шу билан бирга, фагот сокин куй йўлларини ҳам ифодали ижро эта олади.

Оркестрда 2 та қатнашади.

**Контрафагот** транспозицияланувчи чолғу бўлиб, ёзилишига кўра, бир октава пастда янграйди. Асосан гармоник фундамент вазифасини бажаради.

Оркестрда 1 та қатнашади.

**Мис дамли чолғулар. Валторна in F** транспозицияланувчи чолғу бўлиб, ёзилишига кўра соф квинта интервалига пастда янграйди. Валторналар оркестрда 4 та қатнашади. Шунга кўра, улар аксарият ҳолларда гармоник мусикий матони акс эттиради. Юмшоқ, бахмалсимон тембрга эга.

Валторнанинг овоз ҳажми контроктава “си” товушидан 2-октава “фа” гача.

**Труба in B** транспозицияланувчи чолғу бўлиб, ёзилишига кўра катта секунда пастда янграйди. Трубалар оркестрда 2 та ёки 3 та қатнашади.

Трубаларнинг ижро имкониятлари катта. Улар оркестрда гармоник мато таркибида ҳам қатнашиши мумкин, куй йўлларни ҳам ёрқин ифодалаш мумкин.

Трубанинг овоз ҳажми кичик октава “ми” товушидан 3-октава “ре” гача.

**Тромбонларнинг** 3 хил тури бор: альт, тенор ва бас. Ҳозирги замон симфоник оркестрида асосан тенор ва бас тромбонлари ишлатилади. Тенор тромбонлар 2 та, бас тромбон эса 1 та қатнашади.

Тенор тромбоннинг хусусиятлари трубага хос бўлиб, унинг янграши трубанинг янграшига яқин туради. Тенор тромбон тенор калитида ёзилади.

Бас тромбон тенор тромбондан алоҳида бўлиб, туба билан биргаликда нота қаторида жойлашади. Бас тромбон бас калитида ифодаланади.

Тенор ва бас тромбоннинг овоз ҳажми контроктава “соль” дан 2-октава “ре” гача.

**Туба** оркестрда куйи регистрда гармоник пойдеворни ифодаловчи чолғу. У салобатли ва кам ҳаракат. Тубанинг овоз ҳажми контроктава “ре” дан 1-октава “фа” гача.

**Зарбли чолғулар.** Зарбли чолғулар икки гуруҳга бўлинади: *товуш баландлиги аниқ чолғулар, товуш баландлиги ноаниқ чолғулар.*

Товуш баландлиги аниқ бўлган чолғулар скрипка ва бас калитларида ифодаланадиган одатий нота ёзуви орқали акс этади:

**Литавра** бас калитида ифодаланади. У гармоник фундамент вазифасини бажаради. Оркестрнинг умумий *crescendo* ва *diminuendo* жараёни айнан литавранинг кучига биноан ёрқин ифодаланади. Литавра йўл-йўлакай созлана олиш имкониятига эга.

**Кўнғирокчалар** температураланган товушқаторга асосланади. Шу билан бирга, у транспозицияланувчидир. Ёзилишига кўра, бир октава юқорида янграйди. Овоз ҳажми 1-октава “до” дан 3-октава “до” гача.

**Ксилофон** температураланган товушқаторга асосланади. Овоз ҳажми 1-октава “до” дан 4-октава “до” гача. У транспозицияланувчи чолғу бўлиб, ёзилишига кўра, бир октава юқорида янграйди.

Товуш баландлиги ноаниқ бўлган чолғулар одатий нота ёзуви орқали акст этади. Уларга **учбурчак, кастанъетталар, бубен, кичик барабан, тарелкалар, катта барабан, там-там, том-том, флексатон** ва бошқалар киради.

Зарбли чолғулар гуруҳи симфоник оркестр таркибида энг катта гуруҳ ҳисобланади. Негаки, унинг таркибига қадимий халқлар мусиқа маданиятидан бизгача етиб келган зарбли чолғулар, шунингдек, замонавий эстрада зарбли чолғулари ҳам сермахсул ишлатилади. Айниқса, замонавий эстрада мусикасида зарбли чолғуларнинг ўрни катта.

**Тирнама ва клавишли чолғулар.** Челеста клавишли чолғу ҳисобланади. Аксарият ҳолларда уни пианиночилар ижро этади. У кўнғироқсимон, ёрқин тембрга эга. Овоз ҳажми кичик октава “до” дан 4-октава “до” гача.

Челеста ҳаракатчан чолғу бўлиб, техник имкониятлари фортепианога яқин туради.

**Арфа** опера оркестрида 18-асрда пайдо бўлган бўлиб, симфоник оркестрга 19-асрда кириб келди.

Арфа торли-тирнама чолғу бўлиб, фортепиано диапозонига ўхшаш кенг камровлидир. Унинг овоз ҳажми контроктава “до” дан 4-октава “фа” гача.

Арфанинг ижро имкониятлари жуда катта. Унинг ижросидаги энг машҳур мусиқий мато бу глиссандодир. У фортепиано ижро этиши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчилик даражасидаги мураккаб мусиқий матони ижро эта олади.

**Фортепиано** чолғуси аксарият ҳолларда яккаҳон сифатида катнашади. Унинг мусиқий дунёдаги ўрни улкан ҳисобланади. Аммо унинг симфоник оркестр таркибидаги роли ўзгачадир. Симфоник оркестр таркибида у кўп ҳолларда зарбли чолғуларнинг вазифасига кўмакчи сифатида, шу билан бирга эпизодик чолғу сифатида катнашади.

**Орган** чолғуси фортепиано сингари яккаҳон сифатида машҳурдир. Симфоник оркестр таркибида эса унинг роли аксарият ҳолларда эпизодик ҳисобланади.

**Инсон овози.** Хонанда овози физиологик тузилишига қараб *болалар, аёллар, эркаклар* овозига бўлинади.

**Болалар овозида** товуш ўзининг енгиллиги, тиниклиги, характерли жарангдорлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Болалар овози *дискант* ва *альтга* бўлинади. Болалар хорида дискант овозга одатда юқори (сопрано) партиялари топширилади. Болалар хорида альт паст партия ҳисобланади. Болаларнинг овоз характерини аниқлашда ҳар бир ёшнинг ўз хусусиятига эга бўлган “ишчан диапозони” борлигини ҳисобга олиш лозим. Кичик ёшдаги (7-10 ёш) болаларда умумий диапозон бир қанча кенг бўлади: кичик октава “ля” дан 2-октава “ре” гача. Ўрта ёшда (11-13 ёш) “ишчан диапозон” кенгайган

бўлиб, 1-октава “до” дан 2-октава “ми, фа” гача. Мутация даврида ўғил болаларда диапазон чегараси кескин ўзгаради; овози бўғиқ, интонацияси ноаниқ, тез чарчайдиган бўлади. 17-18 ёшларга келиб, овоз кучи катталар овозининг кучига яқинлашади ва 20 ёшларга бориб тўлиқ шаклланади.

**Аёллар овози.** *Колоратурали* ва *лирик-колоратурали сопранолар* энг энгил ва ҳаракатчан овозлар бўлиб, юқори регистрлардаги товушларнинг тиниқ, жарангдор ва ёрқинлик хусусиятига эга. Техник имкониятлари ва тембр жиҳатидан флейта овозига ўхшаб кетади. Бу овозларнинг овоз ҳажми 1-октава “до” дан 3-октава “фа” гача.

*Лирик сопрано* илқ, ёқимли тембрга эга бўлиб, юмшоқ садоланади. Ўрта ва юқори регистрларда таъсирчан ифодали товушларга эга. Овоз ҳажми 1-октава “до” дан 3-октава “до” гача.

*Лирик-драматик* ва *драматик сопрано* диапазони тўлиқ, бўрттирилган, кучли янграши билан ажралиб туради. Хорнинг 2-сопрано партиясини ташкил этади. Овоз ҳажми 1-октава “до” дан 2-октава “ля” гача.

*Лирик* ва *драматик меццо-сопрано* драматик сопрано ва контральто ўртасидаги овоз бўлиб, қуйи регистрдаги товушларга эга. Тембр жиҳатидан тиниқ, чиройли ҳисобланади. Овоз ҳажми кичик октава “ля” дан 2-октава “фа” гача.

*Контральто* аёлларнинг энг паст овози бўлиб, қуюқ тембрга эга, асосан қуйи регистрдан иборат. Овоз ҳажми кичик октава “фа” дан 2-октава “ми” гача.

**Эркаклар овози.** *Тенор-альтино* эркакларнинг энг баланд овози бўлиб, энгил ва нозик тембрга эга. Ёрқин фальцетли (юқори регистрда) садоланиши унинг ўзига хос хусусиятидир.

*Лирик тенор* энгил, равшан, нафис тембрга эга ва ўта ифодавийлиги, техник жиҳатдан ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Овоз ҳажми 1-октава “до” дан 3-октава “до” гача.

*Лирик-драматик* ва *драматик тенор* кучли, тўлиқ ва ширали овозлар ҳисобланиб, қуйи регистрда тўла ва аниқ янграйди. Овоз ҳажми 1-октава “до” дан 2-октава “ля” гача.

*Характерли тенор* опера амалиётида учрайди. Бу овозга “чуқур таъсирчан” характерли элементларга эга кичик партиялар топширилади.

*Лирик баритон* тенор ва бас овозлари ўртасидаги овоз бўлиб, куйчан, оҳангдорлиги ва юмшоқлиги билан ажралиб туради. Овоз ҳажми катта октава “ля” дан 1-октава “соль” гача.

*Драматик баритон* янграши жиҳатидан бас овозига яқин туради. Унда кучли жарангдорлик ва ширадорлик мужассам. Овоз ҳажми катта октава “соль” дан 1-октава “фа” гача.

*Бас-баритон* – баланд, куйчан бас. Унинг паст товушлари кучсиз, юқори товушлари эса эркин ва ширали эшитилади. Овоз ҳажми контроктава “ля” дан 1-октава “до” гача.

Бас овозининг утрлари: бас-профундо, бас-кантанта, бас-буффо, характерли бас.

***Электр муסיқа чолгулари.***

Электрон мусиқа чолғулари ва электрон технологиялар ишлатилган мусиқа *электрон мусиқа* дейилади. Электрон технологиялар ва электромеханик мусиқий чолғуларнинг ишлатилишидан ҳосил бўладиган товушлар электрон мусиқани ташкил этади. Электромеханик мусиқий чолғулар *теллармониум, орган Хаммонда ва электрогитара*. Соф электрон оҳанг *терменвокс, синтезатор ва компьютердан* ҳосил бўлади.

Электрогитара – гитаранинг бир тури бўлиб, электр токи тебранишига айланувчи металл симлар тебранишини ечадиган мосламали чолғу. Ечиш мосламасидан чиқадиган сигнал турли хил овоз эффектларини ҳосил қилиш учун қайта ишланиши мумкин. Сўнгра динамикалар орқали ифодалиниш учун кучайтирилади. “Электрогитара” сўзи “электр гитара” тушунчасидан келиб чиққан.

Синтезатор – бир ёки бир неча овоз тўлқинлари генераторларини синтезлаш ёрдамида овоз ҳосил қиладиган электрон мусиқий чолғу. Керакли оҳанг электр сигнали хусусиятларининг ўзгариши ёки марказий процессор параметрларининг созланиши усули билан ҳосил бўлади. Клавиатурага эга бўлган синтезатор, клавишли синтезатор дейилади. Клавиатурага эга бўлмаган чолғу эса синтезаторли модул деб аталиб, MIDI-клавиатура орқали ёки MIDI-гитара орқали бошқарилади. Клавишли синтезатор ўзига ўрнатилган секвенсорли бўлса, ишчи станция деб аталади. Компьютер дастури ва компьютер шаклида бўлган синтезатор дастурли синтезатор деб аталади.

Терменвокс – рус кашфиётчиси Лев Сергеевич Термен томонидан 1919 йили яратилган электр-мусиқий чолғу.

Орган Хаммонда – Лоренс Хаммонд томонидан 1935 йили кашф этилган электр орган. Аввалига бу чолғу черковлар учун ҳақиқий орган ўрнига сотилган. Кейинчалик бу чолғудан блюз, жаз, рок-н-ролл (1960-1970 йиллар) йўналишларида ишлатилган.

### **Симфоник оркестр учун чолғулаштиришни ўргатувчи ўқув адабиётлари.**

1. Зряковский Н. Общий курс инструментоведения. М., 1978.
2. Чулаки М. Инструменты симфонического оркестра. М., 1982.
3. Римский-Корсаков Н. Основы оркестровки. М., 1947.
4. Берлиоз-Штраус. Большой трактат о современной инструментровке и оркестровке. М., 1982.
5. Дмитриев Г. Ударные инструменты: трактовка и современное состояние. М., 1991.

**Эстрада оркестри учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини илова қилинган аудио диск орқали тинглаш (амалий).**

### **Саволлар:**

Симфоник қайси чолғу гуруҳларидан ташкил топган?

Ёғоч дамли чолғулар ҳақида гапиринг.;  
Мис дамли чолғулар ҳақида гапиринг.;  
Зарбли чолғулар ҳақида гапиринг.;  
Торли-камонли чолғулар ҳақида гапиринг.;  
Симфоник оркестр учун чолғулаштиришни ўргатувчи қайси ўқув адабиётларини биласиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Киянов Б., Воскресенский С. Руководство по инструментровке для эстрадных оркестров и ансамблей. М., 1981.
- 2.Браславский Д. Инструментовка для эстрадного оркестра. М., 1979.
- 3.Володин А. Электромузыкальные инструменты. М., 1992.
- 4.Дмитриев Г. Ударные инструменты: трактовка и современное состояние. М., 1991.

**4-мавзу. Халқ чолғулари оркестри ва унинг партитураси,  
чолғулаштиришнинг ўзига хос услублари**

**Режа:**

- 1.Халқ чолғулари оркестрини ташкил этувчи чолғулар гуруҳлари.
- 2.Халқ чолғулари оркестри учун чолғулаштиришни ўргатувчи ўқув адабиётлари.
- 3.Дамли оркестр учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини тинглаш (амалий).

**Халқ чолғулари оркестрини ташкил этувчи чолғулар гуруҳлари.**  
Халқ чолғулари оркестри қуйидаги чолғу гуруҳларидан иборат: **торли-камонли чолғулар, торли-чертма (мизробли) чолғулар, дамли чолғулар, торли-урма чолғулар, зарбли чолғулар.**

Торли-камонли чолғулар: ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак-бас, ғижжак-контрабас.

Торли-чертма (мизробли) чолғулар: прима-рубоб, кашқар-рубоби, афғон рубоби, дутор-прима, дутор-альт, дутор-бас, дутор-контрабас.

Дамли чолғулар: най, най пикколо, сурнай, кўшнай.

Торли-урма чолғулар: чанглар.

Зарбли чолғулар: доира, сафоил, қошиқ, қайроқ, ноғоралар.

**Торли-камонли чолғулар. Ғижжак** Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан кенг тарқалган камонли торли чолғудир. Қадимги ғижжакнинг тасвирини XIV асарда номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Ҳазн ал-Тухаф» («Ҳазиналар тухфаси») номли рисолада кўриш мумкин. Унда

таърифланишича, ғижжакнинг косаси ярим шар шаклида бўлиб, тери билан қопланган. Унинг остида металл таёқчаси бор. Дастаси узун бўлиб, ёнғоқ ёки қора дарахтдан ясалган. ғижжакнинг иккита тори квинта бўйича созланиб, харрак орқали ўтади. Камон эса от думидан ясалади.<sup>1</sup> Айтиш керакки, ғижжакнинг созланиши ҳар доим аниқ бир пардада бўлмай, хонанданинг овози ёки чалинадиган куйнинг характериға кўра турлича бўлган.

Кўриниб турибдики, юқорида таърифланган ушбу қадимий соз бизға маълум бўлган ғижжакка жуда яқин туради.

XX асрнинг 30-йилларида ғижжак қайта ишланди. Замонавий ғижжак 4 та торға эға бўлиб, квинта бўйича созланади: кичик октава “сопь”, 1-октава “ре, ля”, 2-октава “ми”.

Ғижжакнинг косаси остидаги оёқчаси стулда ўтириб чалиш учун қулайлаштирилди. Камончаси от думидан ишланади.

Ғижжакнинг овози ансамбльда юқори регистрни эғаллаб, скрипка калитида ноталаштирилади. Умумий овоз ҳажми кичик октава “сопь” дан 4-октава “до” гача.

Ғижжакни чалишнинг энг асосий усули чап қўлнинг 4 та бармоғини ишлатган ҳолда, ўнг қўл билан камонни тор бўйлаб юргизишдан иборат. Бу усул – агсо деб аталади. /ижжакни камонсиз бармоқ билан чертиб чалиш пиццикато дейилади. Чап қўл билан чалинадиган мураккаб пиццикато ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда нотанинг устиға «плюс» белгиси қўйилади.

Ижро имкониятларининг яна бошқа усуллари: *деташе, легато, стаккато, мартеле, спиккато* ва бошқалар. Бундан ташқари, Турли хил *трель, тремоло* шамда *флажолетлар* (ансамбльда асосан табиий флажолетлар ишлатилади) ҳам шулар жумласидандир.

Ғижжак ниҳоятда ҳаракатчан, виртуоз чолғу бўлиб, унинг ёрдамида турли интерваллар, учтовушлик ва тўрттовушлик аккордларни ижро этиш мумкин. Шунингдек, ғижжак техник мураккабликларға эға бўлган мусикий партияларни ҳам уддалайди.

Ғижжакнинг юқорида санаб ўтилган бой имкониятларини ҳисобға олган ҳолда, уни ансамбль таркибида ҳам яқканавоз, ҳам жўрनावоз сифатида ишлатиш мумкин. Шу билан бирға, юқори регистрдаги ёрқин тембри ғижжакни аксарият ҳолларда куй тизимини ривожлантирувчи етакчи соз ўрнида қўллашни тақозо этади.

Ғижжак реконструкция қилинганидан сўнг унинг бир неча турлари рўёбға келди. Ғижжаклар оиласиға кирувчи торли-камонли чолғуларға - ***ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак-бас, ғижжак-контрабас*** киради.

**Ғижжак-альт** ўзининг ташқи кўриниши, ижро имкониятлари жищатидан ғижжакка хосдир. У торли-камонли гуруҳнинг ўрта регистрини эғаллайди. Ушбу чолғу сози альт калитида ноталаштирилади ва квинта бўйича созланади: кичик октава “до, сопь”, 1-октава “ре, ля”.

Умумий овоз ҳажми кичик октава “до” дан 2-октава “сопь” гача.

---

<sup>1</sup> Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. –М., 1980.

**Ғижжак-бас** қозоқ халқининг мусиқа маданиятида ўрин тутган **қобуз** чолғуси асосида ясалган. Қобуз созининг келиб чиқишини қозоқ халқининг афсонавий қахрамони *Ота Қўрқит*<sup>1</sup> номи билан боғлиқ, дейилади айрим манбаларда.<sup>2</sup> Бугунги кунда айнан қобуз-бас ва қобуз-контрабас ансамбль ва оркестрларда ўрин эгаллайди. Шунга қарамай, уларни Ўзбекистонда ғижжак бас ва ғижжак контрабас деб ҳам атайдилар.

Ғижжак бас торли-камонли чолғулар гурузининг қуйи регистрини эгаллайди. У бас калитида ноталаштирилиб, торлари квинта бўйича соланади: катта октава “до, соль”, кичик октава “ре, ля”.

Умумий овоз ҳажми катта октава “до” дан 3-октава “ре” гача.

Ғижжак баснинг ижро имкониятлари тўлалигича ғижжакка хосдир.

**Ғижжак-контрабас** торли-камонли чолғулар гуруҳида энг пастки регистрни эгаллайди. Ташқи кўриниши жиҳатидан анча улкан бўлгани учун уни тикка туриб чалиш керак. У транспорт қилинадиган чолғу бўлиб, янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Бас калитида ноталаштирилиб, торлари кварта бўйича соланади: катта октава “ми, ля”, кичик октава “ре, соль”.

Умумий овоз ҳажми (ёзилиши бўйича) катта октава “ми” дан 3-октава “ля” гача.


Ғижжак-контрабас аксарият ҳолларда ансамбль ва оркестр таркибида гармоник асосни ташкил этади. Якканавоз сифатида ушбу чолғунинг имкониятлари анча кенг бўлгани билан, ансамбль таркибида ғижжак контрабас зиммасига ҳаракатчан бўлмаган партиялар юклатилади. Бунда ғижжак-контрабас ритмик ёки гармоник вазифани бажаради.

Умуман олганда, ғижжак-контрабаснинг ижро имкониятлари ғижжакники билан бир хил.


**Торли-чертма (мизробли) чолғулар.** Рубоб Осиёнинг айрим халқлари, хусусан, ўзбеклар, тожиклар ўртасида қадимдан кенг тарқалган торли-тирнама чолғудир. Марказий Осиё халқларига нисбатан Жанубий Хитойнинг Шинжан автоном районида яшовчи уйғурлар орасида кенг тарқалган тури **қашқар рубоби** дейилади. Рубобнинг косаси қазма, яъни ыйилиб, устига тери қопланган, дастасига эса ипак ёки ичакдан қилинган пардалар боғланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қўлланилаётган рубоб қайта ишланиб, ярим тонликларлар асосида температурацияланган. Транспорт қилинадиган соз бўлиб, янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Ундаги беш торнинг тўрттаси сим тор бўлиб, бешинчиси ичак тордир. Рубобнинг торлари кварта бўйича жойлашган бўлиб, қуйидагича соланади:

Ёзилиши




Янграши



<sup>1</sup> Ота Қўрқит – туркий халқлар, хусусан, козоклар, қорақалпоқлар, оғизлар, қўмиқлар мифологиясида биринчи бахши, бахшилар ва ашулачилар пири, ва шунингдек, **қўбиз** чолғу асбобининг ихтирочиси, созанда ва бастакордир.

<sup>2</sup> Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. –М., 1980.

Умумий овоз ҳажми:



Қашқар рубобида овоз чиқариш мезроб (медиатор) ёрдамида амалга оширилади. Бунда мезробнинг пастга томон щаракати «П», юқорига ҳаракати «V» белгиси билан ифодаланади:



ва ҳоказо.


Қашқар рубоби ижро имкониятининг бошқа усуллари: тремоло, қисқа тремоло, стаккато, пиццикато, легато, глиссандо, арпеджио ва б.

Бугунги кунга келиб, реконструкция қилинган рубоб асосида унинг бир неча турлари юзага келди. Булар: *рубоб-прима*, *рубоб-меццосопрано*, *рубоб-альт*.

Рубоблар оиласида рубоб-прима энг юқори регистрни эгаллайди. Унинг тўртта тори бўлиб, квинта бўйича созланади:



Рубоб-прима скрипка калитида ноталаштирилади. Умумий овоз ҳажми:



Рубоб-прима ижро имкониятларининг барчаси қашқар рубоби билан бир хил. қўшимча усуллардан бири – рубоб-примада пиццикато усулини ўнг қўл билан щам амалга ошириш мумкин. Бунда нотанинг устига «плюс» белгиси қўйилади. Шу билан бирга, ушбу соз тўрт товушли аккордларни ҳам ижро эта олади.

Афғон рубоби қадимий чолғулардан бўлиб, уни *Бухоро рубоби* деб ҳам атаганлар. Эски Бухоро ёки Афғон рубобининг 17 тадан 20 тагача тори бўлган. Шундан олтитаси асосий бўлиб, бештаси ичакдан ва биттаси кумушдан ясалган. Қолган 11 тадан 14 тагача торлари пўлат симли, яъни садо бериб




турувчи торлар ҳисобланган. Олтита асосий тор қориннинг устки қисмидаги харракдан сознинг бош қисмидаги қулоқларга, қолган торлари эса шу харрак остидаги тешиклардан сознинг дастасидан чап томонда жойлашган қулоқларга уланган. Соз ёғочдан, ҳайвон суяги ёки шоҳидан ишланган бўлиб, мезроб (нохун) билан чалинган.<sup>1</sup>

Ушбу афғон рубоби Тошкентга 1935-1937 йилларда етиб келди ва ўзбек халқ чолғулари оркестри ва ансамбллари таркибига киритилди.


1940 йили афғон рубоби А.И.Петросянц раҳбарлигидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг тажрибавий лабораториясида реконструкция қилинди. Сознинг ёрдамчи соз берувчи торлари олиб ташланиб, дастаси узунлаштирилди, қорни ихчамлаштирилди, дастага температурацияланган ярим тонлик товушқаторга асосланиб, эбонит қаламчаларидан 19 та парда ўрнатилди.

Бугунги кунда реконструкция қилинган афғон рубоби қашқар рубоби сингари ўрта регистрни эгаллайди. Бешта тори бўлиб, кварта бўйича жойлашган:

#### Ёзилиши



#### Янграши



Афғон рубоби партияси скрипка калитида ноталаштирилади. Транспорт қилинадиган соз бўлиб, янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Умумий овоз ҳажми:



Қашқар рубобига хос барча ижро имкониятлари афғон рубобига ҳам тегишли ҳисобланади. Афғон рубобининг тембри қашқар рубобига нисбатан бўғиқроқ бўлиб, уни вазмин ва салобатли характерга эга дейиш мумкин. Шу боис, айнан шу характерли куйлар афғон рубоби ижросида маромига етиб янграйди. Афғон рубобига хос бўлган фалсафий мушоҳадавийлик хусусияти унинг якканавоз сифатидаги иштирокида ўз ифодасини топади.

Дутор – ўзбек, шунингдек, тожик, туркман ва уй\ур халқлари орасида кенг тарқалган торли тирнама чол\удир. Дутор икки қисм – даста ва косадан иборат бўлиб, буларни бирлаштирувчи қисм «бўғиз» деб аталади. Дутор косаси ўйма ёки «қобирға»чаларнинг бирлашганидан тайёрланиши мумкин. «Ўйма дутор» Самарқанд, Хоразм, ва Туркманистонда қўлланилиб, бир бўлак тут ёғочидан ишланади, 8-10 бўлак юпқа тахтачани эгиб бирлаштирилади. Коса устига ёпиштирилдиган қопқоқ ҳам тут ёғочидан тайёрланади. Дастаси олма ёғочидан ясалиб, 13-14 ичак парда боғланади. Ипакдан қилинган икки тор

<sup>1</sup> Ф.Караматов. «Ўзбекская инструментальная музыка». Т., Из-во им.Г.Гуляма. 1972. 140-142 стр.

кварта, квинта, унисон ва октаваларга созланган. Дуторни созлашнинг ушбу хиллари айна вақтда анъанавий ижрочилик соҳасида қўлланилади. Бунда соз аниқ бир баландликда бўлмай, созанда ва хонанданинг хоҳиши бўйича, турлича баландликда бўлиши мумкин.

Бугунги кунга келиб, ушбу соз такомиллаштирилди. Унинг асосида дуторларнинг бир неча хили юзага келди. Булар: **дутор-прима, дутор-секунда, дутор-альт, дутор-тенор, дутор-бас ва дутор-контрабас.**


Дутор-альт овоз ҳажми бўйича ўрта регистрни эгаллайди. Дутор-альт скрипка калитида ноталаштирилади ва янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Торлари кварта бўйича созланади:



Умумий овоз ҳажми:



Дутор-бас куйи регистрни эгалловчи чолғулардан биридир. У, асосан, бас калитида ноталаштирилиб, юқори регистрларда тенор ва скрипка калитлари ҳам ишлатилади. Дутор-баснинг 4 та тори бор:



Ушбу чолғу созининг биринчи *ля* тори ичакдан ясалган бўлиб, қолган торлари металл торлар.

Умумий овоз ҳажми:



Дутор-бас юқорида таърифланган дуторлардан фарқли ўлароқ мезроб (медиатор) ёрдамида чалинади. Унинг ижро усуллари – *тремоло, стаккато*, шунингдек, бош бармоқ билан чалинадиган *пиццикато*. Дутор-басда тремоло усулини фақат битта торда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, торлар орасидаги масофанинг катталиги боис тремоло усулини икки ёки учта торга нисбатан ишлатиш жуда қийин.

Дутор-бас хилма-хил интервал, учтовушлик ва тўрттовушлик аккордларни қийинчиликсиз ижро эта олади. Айниқса, ушбу интервал ва аккордларнинг таркибида очиқ симларнинг мавжуд бўлиши ижрода маълум даражада қулайлик яратади.

Кўриниб турибдики, дутор-бас юқорида таърифланган дуторлардан ўзининг тузилиши ва табиати жиҳатидан умуман фарқ қилади. Оркестр ва ансамбль таркибида дутор-бас, асосан, бас вазифасини бажаради. Шу билан бирга, у гармоник матони тўлдиришда ҳам қатнашиши мумкин. Дутор-баснинг юқори регистри афғон рубобининг тембрига яқин бўлгани боис, унинг ижросида якканавоз партиялар ҳам яхши янграйди.

Дутор-контрабас ошанг жиҳатидан энг қуйи регистрни эгаллайди. У бас калитида ноталаштирилиб, янграшига нисбатан бир октава юқори ёзилади. Дутор-контрабаснинг 4 та тори кварта бўйича созланади:



Умумий овоз ҳажми:




Дутор-контрабас қалин теридан ясалган катта мезроб ёрдамида чалинади. Мезроб билан тремоло ижро усулини амалга ошириш мумкин. Бу ҳолда «**trem.**» белгисини қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўнг қўлнинг бош бармоғи ёрдамида пиццикато усулини қўллаш мумкин.

Дутор-контрабасда октава ҳамда квинта интервалларини чалиш имконияти бор. Бундай ҳолларда интервал таркибида очик тор бўлиши шарт.

Дутор-контрабас техник жиҳатдан ҳаракатчан эмас. Ушбу соз оркестр ва ансамблларда бас пойдевори сифатида қатнашади.

**Дамли чолғулар.** Най ансамбль ҳамда оркестрда муҳим ўрин тутаяди. У ёғоч дамли чолғулар орасида энг ҳаракатчан ва юксак маҳорат талаб этувчи соз. Товуши баланд бўлгани сабабли ансамблда аксарият ҳолларда бошловчилик вазифасини бажаради. Овоз ҳажми жиҳатидан, асосан, юқори регистрни эгаллайди:



Най скрипка калитида ноталаштирилади ва унинг асосий товушқатори қуйидагича:



Найда олтита тешикча бўлиб, ижро вақтида олтита бармоқ ишлатилади: ўнг қўлдан учта ва чап қўлдан учта. Бармоқлар билан тешикчаларни тўла ёки ярим беркитиш, турлича тезлик ва куч билан пуфлаш орқали баланд-паст товушлар садоланади.

Бундан ташқари, найда яна тўртта тешик борлигини кузатиш мумкин. Улар найга ҳаво юбориладиган томонда эмас, балки унинг бошқа томонида жойлашган бўлиб, тагидан иккита ва устидан иккита тешик. Пастки иккита тешикнинг вазифаси: найни маромига етказиб созлаш учун ишлатилади. Юқоридаги бир жуфт тешикка эса қадимда устоз созандалар бирон бир кўзмунчоқ тақиб, найни безатган эканлар.

Найнинг овоз ҳажми жуда кенг бўлгани боис унинг оҳанг диапазонини бир неча регистрга бўлиш мумкин. Ҳар бир регистрда товушларнинг характери ва сифати нисбатан ўзгаради: биринчи октавадаги «*ля*» ҳамда иккинчи октава «*ре*» оралиғида овоз баҳмалдек юмшоқ бўлиб, *pp-mf* динамикасида янграйди; иккинчи октава «*ми*» ҳамда учинчи октава «*ре*» оралиғида овоз нозик ва тиниқ бўлиб, *pp-f* динамикасини қўллаш мумкин; учинчи октава «*ми-си*» оралиғида овоз аниқ ва ёрқин эшитилиб, *mf-ff* динамикасида янграйди; найнинг энг юқори товушлари эса *ff* динамикасида кескин ва хуштаксимон эшитилади.


Най созининг ижро имкониятлари ниҳоятда кенг. Шу боис ҳам у кўп ҳолларда ансамблда якканавоз сифатида қатнашади. Най турли характерларни акс эттира олиб, ҳам лирик куйчан, ҳам ҳаракатчан-виртуоз, техник мураккаб партияларни тўлақонли ифодалай олади. Найнинг ижро имкониятлари: легато, нон легато, стаккато, икки ва уч мартали стаккато, трель ва бошқа мелизмлар.

Реконструкция қилинган най пикколони оркестрда *кичик най* деб ҳам аташади. У созлар ичида энг юқори регистрни эгаллайди. Най пикколонинг асосий товушқатори қуйидагича:



Кейинги товушлар кучли тезлик билан пуфлаш ёрдамида олинади.

Най пикколо скрипка калитида ноталаштирилади ва янграшига нисбатан бир октава паст ёзилади. Умумий овоз ҳажми:



Най пикколонинг ижро имкониятлари най созига хосдир.

Сурнай ўзбек ва тожик халқларининг қадимий ёғоч дамли чолғуси. Сурнай якка ҳолда, шунингдек, ноғора, карнайлар билан бирга ансамблда ҳам чалинади. Сурнайда чап ва ўнг қўл бармоқлари билан ёпиладиган олти та тешикча бор. Еттинчи тешик эса пастки томонда бўлиб, у чап қўлнинг бармоғи билан беркитилади.

Сурнайнинг оҳанг ҳажми ўрта ва юқори регистрни эгаллайди. Унинг асосий товушқатори – D-dur:



Сурнай скрипка калитида ноталаштирилади. Овоз ҳажми биринчи октава «ре» дан учинчи октава «ре» га қадар:



Сурнайда стаккато, легато сингари ижро усулларини амалга ошириш мумкин. Ўзининг ижрочилик имкониятлари жиҳатидан юқори поғоналарга эришган созандалар *нафас қайтариш* йўли билан оҳанг давомийлигини таъминлай оладилар. Бу усул кўпроқ яккахон ижрочиликда қўлланилади.

Кўшнайн - қадимий дамли чолғудир. Қадим Шарқ мамлакатларида кўшалок найлардан ташкил топган икки хил чолғу мавжуд бўлган: **авлос** – «кўш сурнай» ва **дунай** (ёки **дубай**) – форс тилида «иккита най» дегани. Дунайнинг илк тасвири милоддан аввалги II минг йилликка оид Нишопур тарихий манбаларида акс этган. Кўшнайдан фарқли ўлароқ дунайнинг найлари узунроқ былган.

Бунок мутафаккир Абу Наср Мушаммад ал-Фаробий (IX-X аср) ўзининг мусикий рисоласида кўшнайнга таъриф бериб, унинг икки хили мавжудлиги тўғрисида айтиб ўтади. Биринчи тури – пуфланиш жойида бирлашган икки найнинг пастки қисмлари ҳар хил томонга қаратилган соз, иккинчи тури – иккита най параллель жойлашган соз.<sup>1</sup>


Қадимдан бизгача етиб келган кўшнайн бамбукдан тайёрланадиган бир хил узунликдаги бир-бири билан боғлиқ иккита найдан ташкил топиб, юқори қисмидан пуфланади. Ҳар бир найчанинг юқори қисмида биттадан кесилган тили бўлиб, айнан шу тил овоз чиқаришга хизмат қилади. Ҳар бир найчада еттитадан тешик бор. Кўшнайнни чалишда чап қўлнинг учта ҳамда ўнг қўлнинг тўртта бармоғи ишлайди. Бунда тешиклар бармоқнинг юмшоқ ёстиқчаси билан эмас, текис ростланган бармоқ билан беркитилади. Иккала найнинг тешиклари бараварига параллел ҳолатда ёпилиши керак.

Кўшнайннинг диапазони бир октава оралиғида бўлиб, товушқатори диатоник бўлган. Кўшнайннинг тилини лаб ёрдамида қисқартириш усули билан


<sup>1</sup> Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. – М., 1980.

овоз ҳажмини бир ярим октавагача кенгайтириш мумкин эди. Иккала найча ҳам унисон тарзида соланади.

Бугунги кунга келиб, реконструкция қилинган қўшнай янада мукамаллашди. У ярим тонликлар асосида температураланган товушқаторга эга бўлди. Овоз ҳажми ўрта регистрни эгаллайди. Қўшнайнинг асосий товушқатори мелодик D-dur'га тўғри келади:



Қўшнай партияси скрипка калитида ноталаштирилади. Умумий овоз ҳажми:



Қўшнайнинг овоз ҳажми икки регистрга былинади. Биринчи октава «ре» дан иккинчи октава «ре» гача бўлган пастки регистрда қўшнайнинг овози равон янграйди. Унда легато ва стаккато ижро усулларини ифодалаш мумкин. Ушбу регистрда *pp* дан *ff* гача бўлган динамика яхши акс этади.

Қўшнай техник жиҳатдан ҳаракатчан эмас. Шу боис ҳам, унинг зиммасига куйчан партияларни ифода этиш вазифаси юклатилади. Зеро, қўшнай жуда ёрқин мелодик соз бўлиб, чиройли тембрга эга. Ансамбль ва оркестр таркибида қўшнай аксарият ҳолларда яққалон чолғу сифатида қатнашади. Шу билан бирга, қўшнай гармоник матони акс эттиришда ҳам қатнашади.

**Торли-урма чолғулар.** Манбаларда айтилишича, чанг созининг яратилиши афсонавий қадим Эрон шоҳи Жамшид ҳукмронлиги замонида тўғри келиб, Месопотамиядан то Хитой давлатигача бўлган улкан ҳудудда тарқалган. Чангий ўз рисоласида баён этишича, чанг овозининг садоланиши жуда оғир безгак касалига қарши қўлланилар экан. Манбада келтирилган маълумотга кўра, қадимда шайбонийзода Абдуллахон (1583-1598) замонида Ҳожаи калон Шайх Ҳожа Саййид безгак билан оғриб қолибди. Уни даволаган табиб Султон Муҳаммад соғайиш учун Шайхга чанг ижросини тинглашни маслаҳат берибди. Маслаҳатга амал қилган Ҳожаи калон Дарвишали Чангийни ўз саройига таклиф этиб, уч ой мобайнида чанг созини тинглабди ва натижада соғайиб кетибди.

Чангийнинг таъриф беришича, чанг 26 та тор ва 7 та ладга эга. Ҳар бир лад маълум бир мақомни чалишга мўлжалланган. I лад – Рост; II – Наво; III – Ҳижоз; IV – Зангула; V – Ҳусайний; VI – Ирок; VII – Кычак. Бироқ ўн икки мақомнинг барчасини чала олиш учун созанда ижро жиҳатидан мутлак мукамалликка эришмоғи лозим.

Бугунги кунга келиб, чанг сози янада ривожланиб, такомиллаштирилди. Чангдан тараладиган давомли садони йўқотиш учун махсус педаль ишлаб чиқилди. Созанда педальни ўнг оёғи билан ишга солади. Илгари халқ орасида

кўлланган чангнинг товушқатори диатоник бўлган. Ҳозирда эса чангнинг товушқатори хроматик, яъни ярим тонликлар асосида температурацияланган.

Чангни учида резина қопланган бамбукдан ясалган махсус чўплар билан уриб чалинади. Шу билан бирга, ижро имкониятларининг бошқа усуллари ҳам мавжуд:

Tremolo – рез;

Pizzicato col legno – торни чўпнинг ёғочи билан тирнаш;

Pizzicato – торни бармоқ билан чертиш;

Glissando col legno – торлар бўйлаб сирпаниш. Глиссандонинг хроматик ва диатоник турлари мавжуд;

Con sordini – давомли садони бармоқ билан тўхтатиш;

Vibrato – торни бармоқ билан титратиш.

Реконструкция қилинган чангнинг бир неча турлари бор: пикколо, прима, тенор ва бас. Чангнинг ушбу турлари бир-биридан овоз ҳажми, тузилиш ҳажми ҳамда торларининг жойлашуви жиҳатидан фарқ қилади. Овоз чиқариш усуллари ва имкониятлари эса бир хил.

Чанг - мусиқий матони ҳам гармоник, ҳам ритмик, ҳам мелодик жиҳатдан тўлдириш имкониятига эга бўлган создир. Унда ҳар турли интерваллар, арпеджио ҳолидаги аккордларни ифодалаш мумкин. Чанг, ҳаттоки, доирага хос «бум-бак» кўринишидаги ритмик усулларни ҳам акс эттира олади. Унинг ёрқин тембри оркестр ва ансамбль таркибида яққанавоз сифатидаги қатнашувини таъминлайди.

**Зарбли чолғулар.** Ўзбек мусиқасида урма-зарбли чолғуларга катта ўрин ажратилган. Булар: *доира, ногора, сафоил, қайроқ* ва б. Бу созлар ансамблнинг динамик имкониятларини кенгайтириб, унинг янграшини турли хил ритм ва тембр билан бойитади. Шунингдек, ритмик асос сифатида чолғу гуруҳлари орасидаги ансамбль яхлитлигини ушлаб туриш ва ансамблни бошқариш урма-зарбли чолғуларнинг етакчи вазифаси ҳисобланади.

Доира – ўзбек ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган, товуш баландлиги ноаниқ урма чолғудир. Унга нисбатан «чилдирма», «чирманда» деган номлар ҳам қўлланилган. Диаметри, тахминан, 400 мм бўлган, гардиши илгарилари узум зангидан қилинган; сўнгги вақтларда ёғочни эгиб ёки кичик ёғоч бўлақларини бир-бирига улаб ясалади. Доиранинг гардишига тери қопланади. Қирқдан ортиқ халқачалар тақилиб, булар доирани чалганда кўшимча садо беради.

Тарихчи А.Ф.Эйхгорннинг таъриф беришича: «Чирманда – ўзбекларда энг кўп ишлатиладиган чолғу бўлиб, кўшиқ ва рақсга жўрлик вазифасини бажаради. У, шунингдек, кўғирчоқ театри комедиялари, мазҳарабозларнинг турли хил томошалари ва зиёфатларда ҳам ишлатилади».

Доира Марказий Осиё ҳудудида икки минг йил аввал пайдо бўлиб, кейинги асрларда халқларнинг мусиқий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келди.

Албатта, бу давр ичида унинг тузилиши ўзгарди. Зеро, доира бугунги кунда «бубен» номи билан маълум бўлган урма чолғунинг авлодидан ҳисобланади.


Доира – динамик, тембр ва ритмик имкониятларнинг мутлақ эгасидир. Сабаби, шарқ халқлари муסיқасида ритмнинг ўрни ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Доирага хос муסיқий матонинг асосида эса ўрта асрларда шарқнинг буюк муסיқа назарийчилари томонидан ишлаб чиқилган ва шу кунгача муסיқий амалиётда муайян ўзгаришларга учраган усуллар тизими ётади.

Доиранинг ижро имкониятлари кенг бўлиб, ҳар қандай техник мураккабликларга эга бўлган ритмик формулаларни ифода эта олади. Доира қадим даврлардан бошлаб кўшиқ, чолғу муסיқаси ва рақсга жўр бўлиб, муסיқий матонинг ажралмас бўлагига айланди. Шу сабабли, муסיқанинг ҳар бир жанрида доиранинг ўзига хос ритмик формулалари, яъни доира усуллари қарор топди. Улар бир неча йўналишга бўлинади:

1. Рақс учун ишлатиладиган доира усуллари. Улар анча мураккаб бўлиб, «якка қарс», «занг» ва шунга ўхшаш номларга эга. Булардан бир нечаси кўшилиб, яхлит бир рақс ўйини ҳосил бўлади. Кенг тарқалган рақс зарблари «Оқсатма», «Гул ўйини», «Чор қарс» ва б.

2. Халқ ашулаларига жўр бўлувчи доира усуллари.

3. Мақом йўлларига жўр бўлувчи доира усуллари. Мақомларда бир турли ном билан аталадиган ҳамма куйларнинг доира усуллари бир хил. Масалан, Шашмақомда барча «Тасниф»ларнинг доира усули бир хил:



Ноғора қадимий урма-зарбли чолғу. У сополдан ясалиб, устига эчки ёки кийик териси қопланади. Ноғоранинг учта тури бор:

1. **Рез-ноғора** – ҳажми кичик бўлиб, баланд овозга эга.

2. **Кўс-ноғора** – ҳажми ўртача бўлиб, кичик ноғорага нисбатан пастрок овозга эга.

3. **Дўл-ноғора** – ҳажми катта бўлиб, момоқалдиросифат овозга эга. У битта қалин чўп билан чалинади. Қадимда дўл-ноғоранинг овози Хон ёки Амирнинг шаҳарга кириб келаётгани ёки шаҳардан чиқиб кетаётганидан дарак берган.

Муסיқий амалиётда **кўш-ноғора**дан кенг фойдаланилади. Кўш-ноғора – бир-бири билан боғланган рез ва кўс-ноғоралардан ташкил топади. Уларнинг овози орасидаги муносабат тахминан кварта интервалини бериб, худди доирадаги сингари «бак» ва «бум» товушларини ифода этади. Кўш-ноғора иккита ингичка узун чўп билан уриб чалинади.

Сафоил – Ўзбекистон, Тожикистон ва Хитойда кенг тарқалган шиқилдоқ тузилишидаги зарбли чолғудир. У икки бўлак қаттиқ ёғоч калтакчасидан иборат. Бу калтакчалар майда темир халқачалар тақилган иккита катта темир



халқага ўрнаштирилади. Сафоилни силкитиб, елкага уриб шовқинли, турли мураккаб товушлар чиқарилади.

Сафоил одатий нота белгилари ёрдамида битта чизиқли ёзувда ноталаштирилади:




Ансамбль ва оркестр таркибида сафоил эпизодик чолғу ҳисобланади. Шунга кўра, у фақатгина мазмун жиҳатидан керак бўлган лавҳаларда ишлатилади.

Сафоил қадимда саёҳатчи хонандалар, кўзбўямачилар, дарвишлар томонидан ишлатилган. Ҳозирда уни рақсларга жўрлик сифатида ишлатишади.

Марказий Осиё халқлари орасида тарқалган урма-зарбли чолғудир. Япалок, текис қилиб силлиқланган тўртта қайроқ тош – ҳар бир қўлга бир жуфтдан ушланиб, силкитиб ёки титратиб чалинади.

Қайроқ одатий нота белгилари ёрдамида битта чизиқли ёзувда ифодаланади:



Қайроқ рақсга жўр бўлувчи ритмик усуллар ижроси учун мўлжалланган бўлиб, аксарият ҳолларда раққос ёки раққоса томонидан чалинади. Қайроқ турли ансамбллар таркибида ҳам ўзига хос тембри ёрдамида мусиқий матога алоҳида жило беради.

### **Халқ чолғулари оркестри учун чолғулаштиришни ўргатувчи ўқув адабиётлари.**

1. Абдуллаева О. Ансамбль чолғуларини ўрганиш. Т., 2006.
2. Мансуров А. Чолғулаштириш бўйича амалий намуналар ва машқлар. Т., 2006; Т., 2008.
3. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты, 3-е издание. Т., 1990.
4. Гиенко Б. Инструментовка (для оркестра узбекских народных инструментов). Т., 1970.

**Дамли оркестр учун яратилган энг сара мусиқа намуналарини иловадаги аужто ёзувли диск орқали тинглаш (амалий).**

### **Саволлар:**

Ўзбек халқ чолғулари оркестрини ташкил этувчи гуруҳлар ноланишини гапириб беринг.;

Пуфлама чолғулар гуруҳи қайси чолғулардан ташкил топган?;

Торли-урма гуруҳ қайси чолғулардан ташкил топган?;

Торли-чертма гуруҳ қайси чолғулардан ташкил топган?;

Зарбли чолғулар гуруҳига миллий чолғулардан ташқари яна қандай чолғулар киритилиши мумкин?

Торли-камонли гуруҳ қайси чолғулардан ташкил топган?;

Халқ чолғулари оркестри учун чолғулаштиришни ўргатувчи қайси ўқув адабиётлари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Анисимов Б. Практическое пособие по инструментовке для духового оркестра. Л., «Музыка Ленинград». 1979.

2. Инструментовка для духового оркестра. М., «Музыка». 1971.

3. Готлиб М.И., Дудин М. Пособие по инструментовки для руководителей самодеятельных духовых оркестров. М., МузГиз, 1963.

4. Рахимов Х. Хрестоматия по чтению духовых партитур. Т., Изд-во Г. Гуляма, 1988.

### 3.ТАҚДИМОТ

## Симфоник оркестр таркибига кирувчи чолғулар ва партитура кўриниши

**Moderato**

2 Flauti  
2 Oboi  
2 Clarinetti  
2 Fagotti

4 Corni  
2 Trombe  
3 Tromboni  
e  
Tuba

Timpani

Batteria

Arpa

**Moderato**

Violini I  
Violini II  
Viola  
Violoncelli  
Contrabassi

The image displays a musical score for a symphony orchestra, organized into four main sections. The top section, labeled 'Moderato', contains staves for woodwinds: 2 Flauti (flutes), 2 Oboi, 2 Clarinetti, and 2 Fagotti (bassoons). The second section contains brass instruments: 4 Corni (trumpets), 2 Trombe (trumpets), 3 Tromboni (trombones), and a Tuba. The third section is for percussion, including Timpani and Batteria (drum set). The fourth section, also labeled 'Moderato', contains the string section: Violini I, Violini II, Viola, Violoncelli, and Contrabassi. Each instrument group is represented by one or more staves with appropriate clefs and a brace on the left. The score is currently blank, showing only the staff lines and clefs.

## ТОРЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ЁЗИЛИШИ

	Итальянча	Қисқ.	Немисча	Қисқ.	Инглизча	Қисқ.
Скрипка	Violino, -ni	V-no, V-ni	Violine, -en	Vl.	Violin, -s	Vln.
АЛТ	Viola, -le	V-la, V-le	Bratsche, -en	Br.	Viola, -as	Vi.
Виолончел ь	Violoncello, - lli	V-c.	Violoncell, -lle	Vlc.	Violoncello, -os	Vlc.
Контрабас	Contrabasso, - ssi	C-b.	Kontrabass, -bässe	K-b.	Double- Bass, -es	D-b.

## ТОРЛИ-КАМОНЛИ ЧОЛҒУЛАР



**Виолончель**

**скрипка**

**Алт**



**Контрабас**

**ЁҒОЧ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР**



**Инглиз сурнайи**



**Гобой**

	
<b>Кларнет</b>	<b>Фагот</b>
	
<b>Флейта</b>	<b>Бас кларнет</b>

### МИС ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ЁЗИЛИШИ

	Италянча	Қисқ.	Немисча	Қисқ.	Инглизча	Қисқ.
Валторна	Corna, -ni	Cor.	Horn	Hrn	Horn	Hrn
Труба	Tromba, -be	Tr-be.	Trompete	Trm	Trumpet	Trmp
Тромбон	Trombone, -ni	Tr-ni	Posaune	Pos	Trombone	Trmb
Туба	Tuba, -be	Tuba	Basstuba	B-tuba	Tuba	Tuba

## МИС ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

	
<b>Валторна</b>	<b>Труба</b>
	
<b>Тромбон</b>	<b>Туба</b>

## ЗАРБЛИ ЧОЛГУЛАР


	
<b>Том-том</b>	<b>Урма-зарбли чолгулар</b>




**Катта барабан**



**Бубен**



**Там-там**



**Учбурчак**



**Қўнғироқ**




**Ксилофон**






2-илова



**ТОРЛИ-ТИРНАМА ЧОЛГУЛАРНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ЁЗИЛИШИ**

	<b>Итальянча</b>	<b>Немисча</b>	<b>Инглизча</b>
Арфа	Arpa, arpe	Harfe	Harp
Гитара	Guitare	Guitar	Guitar

### Арфанинг овоз ҳажми



### Етти торли гитаранинг созланиши



### КЛАВИШЛИ ЧОЛГУЛАР



Орган



Рояль



**Клавесин**



**Челеста**



**Электрогитара**



**Синтезатор**



**Электроорган**

#### 4. TEST SAVOJLARI

avol raqami	Test topshirig'i	To'g'ri javob	Muqobil javob	Muqobil javob	Muqobil javob
1.	<b>Zamonaviy partitura nima?</b>	*simfonik orkestr cholg'ularining partiyalarini notalar va boshqa shartli belgilar yordamida aks ettiruvchi kitob	musiqiy asar	she'riy asarning yozuvi	fortepiano uchun yozilgan asar
2.	<b>Fortepiano kvintetida qaysi cholg'ular qatnashadi?</b>	*2 ta skripka, alt, violonchel, fortepiano	2 ta violonchel, fleyta, tuba, litavra	2 ta valtorna, truba, trombon, tuba	2 ta skripka, alt, violonchel, kontrabas
3.	<b>Torli kvartetda qaysi cholg'ular qatnashadi?</b>	*ikkita skripka, alt, violonchel	fleyta, goboy, alt, violonchel	skripka, fleyta, goboy, alt	valtorna, truba, trombon, tuba
4.	<b>Fortepiano triosida qaysi cholg'ular qatnashadi?</b>	*skripka, violonchel, fortepiano	fleyta, truba, kontrabas	Alt, truba, litavra	fagot, trombon, baraban
5.	<b>“Flajolet” nima?</b>	*torli cholg'ularga xos ijro usuli	yog'och damli cholg'ularga xos ijro usuli	mis damli cholg'ularga xos ijro usuli	urma zarbli cholg'ularga xos ijro usuli
6.	<b>Surdina nima uchun kerak?</b>	*Ovozni pasaytirish uchun	Ovozni balandlatish uchun	Tembrni yaxshilash uchun	Hamma javoblar to'g'ri?
7.	<b>Torli cholg'ulardan qaysi biri transpozitsiya qilinadi?</b>	*kontrabas	Al't	skripka	Violonchel'
8.	<b>Skripkaning qanday torlari bor?</b>	*Mi, lya, re, sol	Lya, re, sol, do	Sol, re, lya, mi	Do, sol, re, lya

9.	<b>Al'tning qanday torlari bor?</b>	*Lya, re, sol, do	Mi, lya, re, sol	Sol, re, lya, mi	Do, sol, re, lya
10.	<b>Violonchelning qanday torlari bor?</b>	*Lya, re, sol, do	Mi, lya, re, sol	Sol, re, lya, mi	Do, sol, re, lya
11.	<b>Kontrabasning qanday torlari bor?</b>	*Sol, re, lya, mi	Do, sol, re, lya	Lya, re, sol, do	Mi, lya, re, sol
12.	<b>Ayollar ovozini belgilang.</b>	*alt	diskant	bariton	tenor
13.	<b>Erkaklar ovozini belgilang.</b>	*bas	alt	Metsso soprano	diskant
14.	<b>Ayollar ovozini belgilang.</b>	*Mezzo-soprano	tenor	bariton	bas
15.	<b>Ayollar ovozini belgilang.</b>	*kontralto	Bas-profundo	bariton	bas
16.	<b>Erkaklar ovozini belgilang.</b>	*tenor	soprano	Mezzo-soprano	diskant
17.	<b>Ayollar ovozini belgilang.</b>	*soprano	tenor	bariton	bas
18.	<b>Bolalar ovozini belgilang.</b>	*diskant	soprano	tenor	Metsso soprano
19.	<b>Erkaklar ovozini belgilang.</b>	*bariton	soprano	kontralto	diskant
20.	<b>Partitura bo'yicha aralash xor ovozlari...</b>	*Soprano, al't, tenor va bas	*Soprano, tenor, al't va bas	Al't,, soprano, tenor va bas	Baslar, soprano, al't va, tenor
21.	<b>Xoral - bu...</b>	*Jo'rsiz xor uchun so'zsiz kuylanadigan kichik janrdagi asar	Torli cholg'ular uchun asar	Damli cholg'ular uchun asar	Zarbli cholg'ular uchun asar

22.	<b>Xor va orkestr uchun yirik shakldagi janrlarni aniqlang.</b>	*Oratoriya, cantata, poema	Balet, ballada, qo'shiq	Opera, romans, qo'shiq	Sonata, duet, trio
23.	<b>Xor simfoniyasi – bu...</b>	*Jo'rsiz xor yoki ayrim xarakterli cholg'ular ishtirigidagi yirik asar	Qo'shiq	Romans	Ariya
24.	<b>“Divisi” atamasi nimani anglatadi?</b>	*bo'linib chalish	qisqartirib chalish	transport qilib chalish	takrorlash
25.	<b>Akkolada nima?</b>	*nota yo'llarini bog'laydigan qavs	dinamik belgi	melizm turi	ijro usuli
26.	<b>Vibratsiya nima?</b>	*tovushni titratish	tovushni sakratib chalish	tovushlarni ulab chalish	cholg'u asbobi
27.	<b>Transpozitsiya qilinadigan cholg'ular qaysilar?</b>	*klarnet, truba, valtorna, kontrabas	fortepiano, skripka, goboy	alt, tuba, klarnet, arfa	violonchel, skripka, tuba
28.	<b>Partiturada cholg'u guruhlarining joylashuv tartibi qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan?</b>	*yog'och damli cholg'ular, mis damli cholg'ular, urma zarbli cholg'ular, torli cholg'ular	mis damli cholg'ular, yog'och damli cholg'ular, urma zarbli cholg'ular, torli cholg'ular	yog'och damli cholg'ular, mis damli cholg'ular, torli cholg'ular, urma zarbli cholg'ular	urma zarbli cholg'ular, yog'och damli cholg'ular, mis damli cholg'ular, torli cholg'ular
29.	<b>“Arco” atamasi nimani anglatadi?</b>	*kamon bilan chalish	puf lab chalish	urib chalish	tirnab chalish
30.	<b>“Pizzicato” atamasi nimani anglatadi?</b>	*tirnab chalish	urib chalish	puf lab chalish	kamon bilan chalish

## **5. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ**

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги  
Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
тармоқ маркази томонидан олий таълим муассасалари педагоглари учун  
малака ошириш курсларида ўтиладиган  
“Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модули  
Ўқув-услубий мажмуасига**

### **ТАҚРИЗ.**

ЎЗДСМИ ҳузуридаги Тармоқ маркази томонидан олий таълим педагоглари учун “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модули Ўқув-услубий мажмуаси тасдиқланган намунавий ва ишчи ўқув дастурлари асосида, талаб қилинган шаклларга биноан тузилган. Санъат ва маданият соҳасидаги малака ошириш йўналишлари бўйича тақдим этилаётган бу ЎУМ олий таълим муассасалари педагогларининг малакасини оширишга келган профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган. У ОТМ профессор-ўқитувчиларини ўқитиш давлат талабларига мос келади.

Ўқув-услубий мажмуани тузишда малака оширишга келган тингловчилар-педагог мутахассисларга қўйиладиган давлат талаблари, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари ҳисобга олинган. “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модулида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва таълим-тарбия жараёнида ўз мутахассисликлари бўйича амалиётда қўллай олиши акс эттирилган. Унда замонавий интерактив усуллардан фойдаланиш, муаммоли ўқитишнинг аҳамияти ва уни ўқув жараёнига тадбиқ этиш усуллари, амалий ҳамда маъруза жараёнлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази томонидан олий таълим муассасалари педагоглари учун малака ошириш курсларида ўтиладиган “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модулининг профессор А.Мансуров томонидан тузилган Ўқув-услубий мажмуаси (ЎУМ)ни тадбиқ қилишга тавсия этаман.

**Ўзбекистон давлат консерваторияси  
Бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасининг  
мудири, доцент,  
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг  
аъзоси, бастакор  
Абдуллаева**

**Ойдин**

1.03.2015 й.

## **6.ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази томонидан олий таълим муассасалари педагоглари учун малака ошириш курсларида ўтиладиган “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модули ўқув-услубий мажмуаси хусусида  
**ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ.**

Эксперт хулосаси учун тақдим этилган - ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази томонидан олий таълим педагоглари учун “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модули ўқув-услубий мажмуаси тасдиқланган намунавий ва ишчи ўқув дастурлари асосида, талаб қилинган шаклларга биноан тузилганлиги кўриниб турибди. ЎУМ олий таълим муассасаларидан малакасини оширишга келган профессор-ўқитувчилар чуқур билимларга эга бўлишлари учун мўлжалланганлиги аниқ. У ОТМ профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш давлат талабларига мос келади.

ЎУМни, яъни ўқув-услубий мажмуани тузишда малака оширишга келган тингловчилар-педагог мутахассисларга қўйиладиган давлат талаблари, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари ҳисобга олинган. “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модулида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва таълим-тарбия жараёнида ўз мутахассисликлари бўйича амалиётда қўллай олиши акс эттирилган. Унда замонавий интерактив усуллардан фойдаланиш, муаммоли ўқитишнинг аҳамияти ва уни ўқув жараёнига тадбиқ этиш усуллари, амалий ҳамда маъруза жараёнлари ўз аксини топган.

Профессор А.Мансуров томонидан тузилган, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази томонидан олий таълим муассасалари педагоглари учун малака ошириш курсларида ўтиладиган “Чолғулаштириш фанининг ривожланиш тенденциялари” модулининг ўқув-услубий мажмуаси (аудио ёзувли диск иловаси билан) таълим жараёнига тадбиқ этишга лойиқ, деб ҳисоблайман.

**Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг  
раиси, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,  
композитор  
Рустам АБДУЛЛАЕВ**

**3.03.2015 йил**